

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ ХОЛМУРОД МАХМУДОВИЧ**

**АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА АСОСИЙ, ТАКРОРИЙ ВА  
ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ҲАМДА ҒЎЗА  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.01. –Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Бозоров Холмурод Махмудович**

Алмашлаб экиш тизимларида асосий, такрорий ва оралик экинларнинг тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсири (Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида) ..... 3

**Бозоров Холмурод Махмудович**

Влияние основных, повторных и промежуточных культур на плодородие почвы и урожайность хлопчатника в системах севооборота (В условиях лугово-сероземных почв Джиззакской области) ..... 29

**Bozorov Kholmurod Makhmudovich**

The effect of primary, repeated, and intermediate crops on soil fertility and cotton yield in crop rotation systems (Under conditions of meadow-gray soils in the Jizzakh region) ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published papers ..... 60

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВ ХОЛМУРОД МАХМУДОВИЧ**

**АЛМАШЛАБ ЭКИШ ТИЗИМЛАРИДА АСОСИЙ, ТАКРОРИЙ ВА  
ОРАЛИҚ ЭКИНЛАРНИНГ ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ҲАМДА ҒЎЗА  
ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ  
(Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида)**

**06.01.01. –Умумий деҳқончилик. Пахтачилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2025**

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.DSc/Qx.160. рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.psucaiti.uz](http://www.psucaiti.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Халиков Баходир Мейликович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Ибрагимов Одижон Олимжонович  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Хашимов Иброхим Набиевич  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Кенжаев Юнус Чинтошевич  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат аграр университети


Диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «23» «08» 2025 йил соат 900 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [paxtauz@mail.ru](mailto:paxtauz@mail.ru)


Докторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№198 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й ЎзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37

Диссертация автореферати 2025 йил «15» «08» куни тарқатилди.  
(2025 йил «15» «08» даги №7 рақамли реестр баённомаси)



  
Ш.Нурматов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

  
Ф.М.Хасанова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

  
Ж.Х.Ахмедов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Мавзунинг долзарблиги ва зарурати.** Дунё бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар 5 млрд гектар аторфида бўлиб, унинг 1,6 млрд гектарини қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ташкил этади. Ушбу ерларнинг 28,4%и жуда юқори унумдор ерлар, 39,5%и юқори, 12,9%и ўртача, 7,7%и ўртачадан паст, 6,7%и паст ва 4,8%и унумдорлиги жуда паст ерлар ҳисобланади. Унумдорлиги юқори ва жуда юқори тупроқлар деҳқончилиги ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда ФАО дастурига кўра, экинларни 3-5 йиллик алмашлаб экиш тизимларини жорий этиш орқали бошқариш ва такрорий экинлар майдонини кенгайтириш белгиланган. Такрорий экинлар майдони бугунги кунда 135 млн га ни ташкил этиб, шундан 85 млн гектари суғориладиган ерларда парваришланади. Шунингдек, ғўза етиштирувчи давлатларда ҳам дуккакли-дон экинларини алмашлаб экиш тизимларида парваришlash орқали тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигини оширишга эришилмоқда. Пахта етиштириш бўйича энг йирик давлатлар Ҳиндистон (11,6 млн га), Хитой (3,0 млн га), АҚШ (3,54 млн га), Бразилия (1,587 млн га), Покистон (2,950 млн га) ҳисобланади<sup>1</sup>. Дунёда тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда алмашлаб экиш тизимларида соя ва оралиқ экинларини парваришlash самарадорлигини илмий асосlash муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда қишлоқ хўжалиги ривожланган мамлакатларда глобал иқлим ўзгаришлари шароитида ғўзадан барқарор юқори ҳосил олиш ва тупроқ унумдорлигини оширишда такрорий ҳамда оралиқ экинлардан кенг фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминlash, тупроқнинг табиий унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни соя ва бошқа дуккакли-дон экинлари билан алмашлаб экиш, оралиқ экинлар ҳисобига тўйимли кўк масса етиштиришни кўпайтириш билан бирга ғўзада қўлланиладиган маъдан ўғит меъёрларини камайтириш долзарб вазифалардан биридир.

Республикамизнинг суғориладиган ерларида ғўза асосан кузги буғдой билан алмашлаб экилади. Ривожланган давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда асосий ва такрорий экин сифатида дуккакли-дон ва оралиқ экинларни етиштириш, ем-ҳашак экинлари майдонини кенгайтириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида “...аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминlash, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, иқлимнинг кескин ўзгариши шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш,

---

<sup>1</sup><https://www.fao.org/4/ap106e/ap106e.pdf.P.102-109>.[https://www.fao.org/fileadmin/user\\_upload/GSP/SSM/SSM\\_Protocol\\_EN\\_006.pdf](https://www.fao.org/fileadmin/user_upload/GSP/SSM/SSM_Protocol_EN_006.pdf).<https://www.geeksforgeeks.org/list-of-top-10-countries-of-cotton-production/> List of top 10 Countries of Cotton Production. Last Updated: 19 Dec, 2023

ўғитлардан самарали фойдаланиш амалиётини жорий этиб, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш<sup>2</sup>” бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Шулардан келиб чиқиб, Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимларида асосий, такрорий ва оралиқ экинлари ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларини тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 25 мартдаги ПҚ-179-сон «Пахта майдонларида тупроқ унумдорлигини ва ҳосилдорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2022 йил 7-июлдаги ПҚ-308-сон “Пахта ҳосилини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг кўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2024 йил 13 февралдаги ПҚ-71-сон “Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни кўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорлари ва бошқа меъерий ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиш доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, асосий, такрорий ва оралиқ экинларни экиш, алмашлаб экиш тизимларида уларни парваришлаш агротехнологияларини ўрганиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, илмий тадқиқот ва олий таълим муассасалари, жумладан Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), United State Agricultural Department (АҚШ), Brazilian Agricultural Research Corporation (Бразилия), Cotton Research Institute in Multan and Islamabad (Покистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Cotton Research Institute CRI (Миср Араб Республикаси), Eastern Mediterranean Agricultural Research Institute (Туркия) ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтларида (Ўзбекистон) илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Турли алмашлаб экиш тизимларида такрорий ва оралиқ экинлар сифатида дуккакли экинлар парваришланиб, уларнинг органик массасини тупроққа ҳайдаш орқали экологик тоза пахта етиштирилган (Indian Central Institute for Cotton Research, Brazilian Agricultural Research Corporation),

---

<sup>2</sup> <https://lex.uz/docs/4567334>

асосий, такрорий ва оралиқ экинлар қолдиқларини тупроққа ҳайдаш натижасида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларини яхшилашга ва минерал ўғитлар меъёрини камайтиришга эришилган (Chinese Academy of Agricultural Sciences, United State Agricultural Department), қисқа навбатлаб экиш тизимларини такомиллаштириш натижасида, глобал иқлим ўзгаришлари шароитида озуқабоб экинлардан фойдаланиш технологиялари ишлаб чиқилган (Cotton Research Institute in Multan and Islamabad, Australian Cotton Research Institute), оралиқ экин сифатида турли кўп йиллик дуккакли экинлардан фойдаланиш (Cotton Research Institute CRI, Eastern Mediterranean Agricultural Research Institute, Туркия) ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда дунёда тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда алмашлаб экиш тизимларига янги экинлар киритиш орқали такомиллаштириш, тупроқ унумдорлигини оширишда тупроқларнинг микробиологик ва бактериал фаоллигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш, пахта толасининг сифат даражасини рақобатбардош бўлишини таъминлашда ресурстежамкор агротехнологиялар ишлаб чиқишда илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш бўйича Республикамизнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни алмашлаб экиш тизимларида асосий, такрорий ҳамда оралиқ экин сифатида ўрганиш, уларни парваришлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича маҳаллий олимлардан З.Турсунхўжаев, В.Березовский, А.Болкунов, Х.Романов, Р.Тиллаев, Қ.Мирзажонов, Р.Орипов, Ш.Нурматов, Н.Ўразматов, Я.Бўриев, М.Тожиев, Б.Халиков, Ф.Намозов, А.Иминов, Б.Избасаровлар, хорижий олимлардан С.F.Cordeiro, D.R.Rodrigues, Ch.Kollas, K.Ch.Kersebaum, G.Nachimuthu, G.Schwenke, H.Li, Lu Tan, Wei Liu, Xiaojing Li, J.F.Ponge, Nan Jiang, Li Zhалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Лекин, Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) ва (1:2) тизимларида асосий ҳамда такрорий экин соядан сўнг оралиқ экинларни турли компонентли аралашмаларидан фойдаланиш ҳамда маъдан ўғит меъёрларини тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича етарлича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХ-А-ҚХ-2018-194. "Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда муттасил ғўза ва пахта комплексидаги экинларни қисқа навбатли алмашлаб экишнинг тупроқларни хосса-хусусиятлари ҳамда экинлар ҳосилдорлигига таъсири" (2018-2020 йй) мавзусидаги амалий

лойихаси ҳамда “Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда қишлоқ хўжалик экинларини алмашлаб ва навбатлаб экиш, дон, бошоқли-дон ҳамда дуккакли-дон экинларини асосий ва такрорий экин сифатида етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, ғўзанинг вилт касаллигига қарши агротехник усулда курашиш” (2021-2023 йй) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) ва соя:ғўза (1:2) тизимларида асосий ҳамда такрорий экин соядан сўнг оралиқ экинларни турли компонентли аралашмаларидан фойдаланиш ва маъдан ўғит меъёрларини тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қисқа навбатли ғалла:ғўза (1:1) ва соя:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимларида асосий, такрорий ва оралиқ экинларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тупроқда қолдирган органик массаси (илдиз, анғиз ва кўк масса)ни тупроқ унумдорлигига таъсирини аниқлаш;

алмашлаб экишнинг қисқа навбатли ғалла:ғўза (1:1) тизимида такрорий ва оралиқ экинларидан фойдаланиш турларига боғлиқ ҳолда тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссалари ўзгаришини таҳлил қилиш;

қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва толанинг сифат кўрсаткичларига такрорий ва оралиқ экинларнинг таъсирини ўрганиш;

алмашлаб экишнинг соя:ғўза (1:2) тизимида асосий экин соя ва оралиқ экинларнинг турли компонентли аралашмалари ва маъдан ўғит меъёрларини тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссаларига ҳамда микроорганизмлар миқдорининг ўзгаришига таъсирини аниқлаш;

ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларига алмашлаб экишнинг соя:ғўза (1:2) тизимида тадқиқ этилаётган омилларнинг таъсирини баҳолаш;

алмашлаб экиш тизимларида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда асосий, такрорий ва оралиқ экинларни ҳамда турли меъёрларда маъдан ўғитлар қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ўтлоқи бўз тупроқлар, соянинг “Нафис” ва “Орзу” навлари, оралиқ экинлардан эспарцет (баргак)нинг “Милютинский-2”, клевер (қизил себарга)нинг “Ўзбекистанский-3”, тритикаленинг “Праг серебрястый” ва ғўзанинг ўрта толали “Пахтакор-3” навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) ва соя:ғўза (1:2) тизимларида асосий, такрорий ҳамда оралиқ экинларнинг таъсирида тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий, микробиологик хоссаларини ўзгариши, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва

сифат кўрсаткичлари, экинларнинг органик қолдиқлари ва улар таркибидаги озика моддаларнинг миқдори ва бошқа тадқиқ қилинган таҳлиллар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган изланишларда тажрибани жойлаштириш, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари, ўсимлик намуналари таҳлили, фенологик кузатувлар ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Методика проведения опытов с хлопчатником», «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари» услубий қўлланмаларидан, микробиологик таҳлиллар Микробиология ИТИда қабул қилинган «Методы почвенной микробиологии и биохимии» қўлланмаларидан фойдаланилган ва олинган маълумотларни ишончилиги Б.А.Доспеховнинг умумқабул қилинган “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида математик – статистик таҳлил қилинган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли ғалла:ғўза (1:1) тизимида оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга) ни алоҳида ҳамда соя:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида клевер (қизил себарга)+тритикале экинлари аралашмасидан фойдаланиш мақбул эканлиги ва ушбу оралиқ экинлардан сўнг ғўзада маъдан ўғитлар меъёри ишлаб чиқилган;

пахтачиликда оралиқ экинлар –эспарцет, клевер (қизил себарга), тритикаленинг алоҳида ва турли компонентли аралашмаларини такрорий ҳамда асосий экин соядан сўнг парваришланишнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишдаги аҳамиятини ўрганиш билан бирга уларнинг қисқа навбатли алмашлаб экиш (1:1, 1:2) тизимларидаги ўрни аниқлаб берилган;

қисқа навбатлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) тизимида клевер (қизил себарга) экинини оралиқ экин сифатида такрорий экин соядан сўнг парваришлаб, баҳорда 15-20 см қолдириб ўриб олиш ҳисобига 193,3 ц/га кўк масса ҳосили етиштириш ва қолган қисми ҳайдалганда тупроқда доминант турлар сифатида *bacillus* ва *psudomonas* авлодига мансуб бактерия ҳамда замбуруғ турларидан актиномицитлар 4,13-4,26 КХБ/г га, олигонитрофиллар 7,13-7,27 КХБ/г га, фосфор парчаловчилар 7,12-7,50 КХБ/г га кўпайганлиги, тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари яхшиланиши аниқланган;

соя:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида оралиқ экин сифатида клевер+тритикале экинларини аралаш ҳолда парваришланганда етиштирилган 270,6 ц/га кўк масса майдаланиб, тўлиқ ҳайдаб юборилиши натижасида тупроқнинг унумдорлик хоссалари яхшиланиб, ундан сўнг ғўза 2 йил давомида парваришланганда ўтлоқи бўз тупроқлар унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, ғўза парваришланишнинг 1-йилида 40%, 2-йилида эса 10% маъдан ўғитлар меъёрини тежалишига эришилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда қисқа навбатли ғалла:ғўза (1:1) тизимида оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга)ни алоҳида ҳамда соя:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида клевер (қизил себарга)+тритикале экинлари аралашмасини парваришлаб, етиштирилган кўк масса ҳосилини тўлиқ майдалаб ҳайдаш самарали эканлиги аниқланган ва ушбу оралиқ экинлардан сўнг ғўзада қўлланиладиган маъдан ўғитларнинг мақбул меъёри ишлаб чиқилган;

қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой +такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида такрорий ва оралиқ экин сифатида экилган дуккакли экинларнинг илдиз-анғиз (8,83 т/га) ҳамда кўк масса ҳосили (193,3 ц/га)ни тупроққа ҳайдаш ҳисобига 1-ротацияда (2 йил) гектарига 51,2-86,7 кг азот, 62,0-98,8 кг фосфор, 52,4-81,0 кг калий тупроққа қайтиши, натижада тупроқни 0-30 см қатламида гумус 0,045-0,049 %га, нитратли азот 2,69-2,94 мг/кг га ортиб, ҳажм массаси 0,048-0,055 г/см<sup>3</sup>га, 10-0,25 мм катталиқдаги агрегатлар 4,7-5,1%га яхшиланган. Пировардида, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, толанинг сифат кўрсаткичлари яхшиланиб, пахта ҳосили оралиқ экин клевер (қизил себарга)ни кўк масса ҳосили ўрилмасдан ҳайдалганда ўртача 42,9 ц/га га тенг бўлиб, назоратга нисбатан 8,2 ц/га га юқори ҳосил олинганлиги кузатилган. Оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга) экини кўк масса ҳосилини 15-20 см қолдириб ўриб олинганда эса рентабеллик 110,1 %га, ундан сўнг парваришланган ғўзада 59,8%га, назоратга нисбатан 12,5 %га юқори бўлганлиги аниқланган;

алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+тритикале) :ғўза тизимида оралиқ экинларни кўк масса ҳосили 270,6 ц/га ни ташкил этиб, уни тупроққа тўлиқ ҳайдаш ҳисобига тупроқнинг 0-50 см қатламида жами 113,2 кг/га азот, 91,4 кг/га фосфор, 94,7 кг/га калий тупроққа қайтганлиги аниқланган;

пахта ҳосили 1:2, соя+тритикале+клевер (қизил себарга):ғўза алмашлаб экиш тизимида кузатилиб, ғўзани  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда 1-йили 43,9 ц/га, 2-йили 43,1 ц/га га тенг бўлиб, оралиқ экин экилмаган назорат вариантга нисбатан йилларга мос равишда 8,2; 7,8 ц/га кўшимча ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 55,3; 75,2%ни ташкил этиб, назоратга нисбатан рентабеллик мос равишда 2,6; 23,3%га юқори бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Кўп йиллик тадқиқотлардан олинган натижаларнинг дала ва лаборатория тажрибаларини олиб бориш услубларидан фойдаланган ҳолда математик статистик ишловдан ўтказилганлиги, назарий маълумотларни амалий натижаларда тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий ҳамда хорижий илмий тадқиқот ишлари натижалари билан таққосланганлиги, йиллик илмий ҳисоботларнинг институт Услубий ва Илмий кенгашларида муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг махсус апробациядан ўтказилиб, мутахассислар

томонидан ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқариш шароитида деҳқон ва фермер хўжаликлари пахта майдонларида жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган маҳаллий ва хорижий нашрларда илмий мақолалар чоп этилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти пахтачиликда оралик экин сифатида эспарцет ва клевер экинларини қисқа навбатли алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) тизимида такрорий экин (соя) экилган ва экилмаган фонларда парваришланиб, фойдаланиш (15-20 см қолдириб ўриб олиб ҳайдаш ва ўрмасдан ҳайдаш) ҳамда соя:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида асосий экин соядан сўнг икки (эспарцет+ тритикале, клевер+ тритикале) ва уч (тритикале+ эспарцет+ клевер) компонентли аралашмалардан кўк ўғит сифатида фойдаланиш орқали такомиллаштирилган ва ғўзада маъдан ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ошгани билан изоҳланади.

Амалий аҳамияти суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қисқа навбатли ғалла-ғўза (1:1) ҳамда соя-ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимларига асосий ва такрорий экин соядан сўнг оралик экин сифатида эспарцет ва клевер экинларинидан фойдаланиш фермер ҳамда тажриба хўжаликларида жорий қилиниши ҳисобига тупроқ унумдорлигини ортиши ва маъдан ўғит меъёрларини 1-йил 40%га, 2-йил 10%га камайтириб қўллаган ҳолда ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши;** Ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш, қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида:

“Алмашлаб экиш тизимларида тупроқ унумдорлиги ҳамда ғўза ҳосилдорлигини оширишда асосий, такрорий ва оралик экинлар парваришлаш бўйича тавсиялар” (Жиззах вилояти мисолида) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025-йил 9 апрел санасидаги 05/04-04-135 –сон маълумотномаси). Мазкур тавсиянома айни вақтда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва агрокластерлар учун қўлланма сифатида қўлланилмоқда.

Қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, ғалла+такрорий экин (соя) +оралиқ экин (клевер):ғўза тизими ҳамда 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+ тритикале): ғўза алмашлаб экиш тизимлари Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида 70 га майдонда жорий қилинди (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025-йил 9 апрел санасидаги 05/04-04-135 –сон маълумотномаси). Натижада, тавсия этилган қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин (соя) +оралиқ экин (клевер):ғўза тизимида ғўзадан такрорий ҳамда оралик экин экилмаганга нисбатан қўшимча 6,3-6,9

ц/га пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 8,6-12,9%га юқори бўлганлиги кузатилган. Алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+ тритикале): ғўза тизими оралиқ экинлардан сўнг ғўзага  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда оралиқ экин экилмаганга нисбатан пахта ҳосили кўшимча 1 -йил 7,2-8,0 ц/га, 2-йили 6,5-7,0 ц/га ва рентабеллик даражаси 19,1-22,7%га юқори бўлишига эришилган.

Алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+ тритикале): ғўза ва 1:1, кузги буғдой+такрорий экин (соя) +оралиқ экин (клевер):ғўза тизимлари Зафаробод туманида 33 гектарга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025-йил 9 апрел санасидаги 05/04-04-135 –сон маълумотномаси). Бунинг натижасида алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+ тритикале): ғўза тизимида оралиқ экинлардан сўнг ғўзага маъдан ўғитлар  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда қўлланилганда кўшимча 1-йил 6,8-7,2 ц/га, 2-йили пахта ҳосили 6,3-6,6 ц/га ва рентабеллик даражаси 17,5-20,5 %га юқори, қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин (соя) +оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида ғўзадан такрорий ҳамда оралиқ экин экилмаганга нисбатан кўшимча 5,7- 6,5 ц/га пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 8,0-12,1 %га юқори бўлишига эришилган.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Жиззах илмий тажриба станциясида 23 га, жами вилоят бўйича 2022-2024 йилларда 126 гектар майдонда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг 2025-йил 9 апрел санасидаги 05/04-04-135 –сон маълумотномаси). Натижада, қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+такрорий экин (соя) +оралиқ экин (клевер):ғўза тизимида оралиқ экинлар 15-20 см қолдириб ўриб олинганда 193,3 ц/га кўк масса ҳосили олиниб, қолган қисми ҳайдалганда ғўзадан такрорий ва оралиқ экин экилмаганга нисбатан кўшимча 6,1-6,7 ц/га пахта ҳосили олиниб, рентабеллик даражаси 8,3-12,5%га юқори, алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+ тритикале): ғўза тизимида оралиқ экинлар клевер+тритикале икки компонентли аралашмаси парваришланганда 270,3 ц/га кўк масса ҳосили тўлиқ шудгор остига майдалаб ҳайдалиши ҳисобига тупроқда озиқа моддалар миқдори ортиб, ундан сўнг кетма-кет икки йил давомида ғўзага  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда оралиқ экин экилмасдан, анъанавий усулда  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га маъдан ўғитлар қўлланилиб ғўза парваришланган назоратга нисбатан пахта ҳосили кўшимча 1-йил 7,0-7,6 ц/га, 2-йил 6,4-6,8 ц/га ва рентабеллик даражаси 18,3-21,6 %га юқори бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ) ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти (ПСУЕАИТИ) томонидан тузилган махсус апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб ижобий баҳоланган. Тажрибалардан олинган маълумотлар асосида таёрланган ҳисоботлар институтнинг Услугий ва Илмий

кенгашларида муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари бўйича 6 марта Республика ва 4 марта халқаро конференцияларда маъруза қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган. Шулардан журналларда 11 та мақола, жумладан 9 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. Шунингдек, 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, етти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган услубий қўлланмалар, тадқиқотнинг амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, маъруза қилинганлиги ва нашр қилинган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида диссертация бўйича маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижалари, хулоса ва тавсиялар баён этилган. Бунда қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида асосий ва такрорий экинлар ҳамда улардан сўнг оралиқ экинларни кўк ўғит сифатида парваришлашнинг тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ва микробиологик хоссаларига, тупроқ унумдорлиги ва издош экинлар ҳосилдорлигига таъсири ҳамда аҳамияти бўйича маълумотлар келтирилган. Шунингдек, қисқа навбатлаб экиш тизимларида оралиқ экинларни парваришлашнинг ердан самарали фойдаланишдаги аҳамияти билан бирга маъдан ўғитлар самарадорлигини ошириш, меъерини камайтириш, озиқа элементларини ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатга ўтишини фаоллаштиришдаги ўрни ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган ҳудуднинг рельефи, тупроғи, иқлим шароитлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажрибада фойдаланилган навлар тавсифи, қўлланилган агротехник тадбирлар баён этилган.

Тажрибалар ўтказилган Жиззах вилояти бўйлаб тарқалган ўтлоқи-бўз, бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи тупроқлари ўткинчи бўлиб, вилоятнинг Бахмал ва Янгиобод туманларидан ташқари барча туманларда тарқалган. Механик

таркиби енгил ва ўрта қумоқдан иборат. Келиб чиқишига кўра, бу тупроқлар ўтлоқи ва бўз тупроқлар ўртасидаги оралик тупроқлар бўлиб, морфологик (ташки) белгиларида гидроморфизм жараёнлари аниқ кўринади. Ушбу тупроқлар асосан Пахтакор, Зарбдор ва Зафаробод туманларида кенг тарқалганлиги келтириб ўтилган.

Тажриба ўтказилган дала тупроғи механик таркиби жиҳатидан енгил қумоқ, сизот сувлари мавсум давомида 1,5-2,0 м чуқурликда ўзгариб туради. Тупроқнинг ҳайдов (0-30 см) қатламида 2019-2022 йиллар давомида ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида тажрибалар олиб борилган биринчи далада йилларга мос равишда гумус 0,683; 0,726; 0,719 %, иккинчи далада (1:2, 1-йил соя (асосий экинга)+оралиқ экин: 2 йил ғўза) 0,701% ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида эса тегишлича 0,528; 0,549; 543% ва 0,576% ни, умумий азот 0-30 см қатламда 0,064; 0,072; 0,077% ва 0,065% ни, фосфор миқдори 0,127; 0,119; 0,116% ва 0,151% ни ташкил қилган. Ҳаракатчан шаклларида эса ҳайдов (0-30 см) қатламида далалар бўйича нитратли азот 6,67; 6,84; 7,12 ва 3,66 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 10,05; 11,3; 11,8 ва 10,0 мг/кг, алмашинувчи калий 309,4; 317,4; 340,6 ва 274,0 мг/кг ни ташкил этган.

Вилоятнинг табиий иқлими 2019-2022 йиллар давомида кузатилган об-ҳаво маълумотларига кўра, энг иссиқ мавсум (июл, 30,0<sup>0</sup>С) 2021 йил ва нисбатан пастроқ 2022 йил (июл, 28,9<sup>0</sup>С) ҳарорат кузатилган.

2020 йил мавсумида чигит экиш даври ҳисобланмиш апрел ойида ўртача ҳаво ҳарорати 16,9<sup>0</sup>С ни, нисбий намлиги 63% ни, ёғингарчилик 76,3 мм ни ташкил этган. Табиийки, ёз фаслига қараб ҳарорат нисбатан ошиб борса, ҳавонинг нисбий намлиги ҳамда ёғингарчилик камайиб боради. Май ойида ҳаво ҳарорати 22,7<sup>0</sup>С, июн ойида 27,5<sup>0</sup>С, июлда энг юқори 29,3<sup>0</sup>С га, август ойида 26,4<sup>0</sup>С, сентябр ойига келиб ҳаво ҳарорати 19,6<sup>0</sup>С ни ташкил этган. 2021 йил об-ҳаво маълумотлари кўра, ҳавонинг ўртача ҳарорати апрел ойида 16,4<sup>0</sup>С, май ойида 24,0<sup>0</sup>С, июн ойида 28,2<sup>0</sup>С, июл ойида 30,0<sup>0</sup>С, август ойида 27,6<sup>0</sup>С ва сентябр ойида 21,6<sup>0</sup>С га тенг бўлиб, кўп йилликка нисбатан мос равишда 0,7; 2,8; 1,7; 1,9; 0,9; 1,2<sup>0</sup>С га юқори бўлганлиги кузатилган. 2022 йил мавсуми эса апрел-июн ойларида кўп йилликка нисбатан юқори, июл ойида кўп йилликка яқин ва август-сентябр ойлари эса кўп йилликдан нисбатан паст ҳаво ҳарорати кузатилган.

Тажрибанинг асосий қисми дала шароитида 2020-2023 йиллар давомида замон ва маконда қисқа навбатли алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) тизимида ҳар йили янги далада, параллел равишда соя:ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида асосий экин сифатида экилган соядан сўнг оралик экин сифатида тритикале билан бирга янги эспарцет ва клевер экинлари икки ва уч компонентли аралашмалари экилиб, уларнинг ғўзада маъдан ўғитларнинг N<sub>120</sub>P<sub>84</sub>K<sub>60</sub> кг/га ҳамда N<sub>180</sub>P<sub>126</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрлари ўғитсиз ва ишлаб чиқариш шароитларида қўллаш учун тавсия қилинган N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га меъёрига нисбатан таққосланган ҳолда тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий ҳамда микробиологик хоссаларига ва ғўзанинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилган.

Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр ёрдамида Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги П.Долгов усулида, донадорлиги, агрегат таркиби структураси Павлов усулида махсус элакчалар <10->0,25 ёрдамида, гумус И.В.Тюрин усулида, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко, И.М.Мальцева усулида, нитратли азот калориметр усулида, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида, ўсимлик органларидаги умумий азот, фосфор ва калий И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценко (модификациясида) усулида, микробиологик хоссалари умумий қабул қилинган усуллардан фойдаланиб, аммонификатор бактерияларини-ГПА озуқа муҳити, олигонитрофилларни-Эшби озуқа муҳити, микромицет ва актиномецетларни эса-Чапека қаттиқ озуқа муҳитларига экиб ўрганилган.

Диссертациянинг **“Қисқа навбатли алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) тизимида такрорий экин соя ҳамда оралиқ экинларнинг тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири”** деб номланган учинчи бобида 2019-2022 йилларда ғалла:ғўза (1:1) қисқа навбатлаб экиш тизимида парваришланган кузги буғдой, такрорий экин соя ва оралиқ экинларни тупроқнинг ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги, тупроқнинг агрегатлари ўзгаришига, микробиологик ва агрокимёвий хоссаларига, шунингдек уларнинг асоси сифатида тупроқда қолдирган илдиз-анғиз (кўк масса) қолдиқлари ҳамда улар таркибидаги озика элементларини миқдори, шу билан бирга мазкур тизимда такрорий экин экилган ва экилмаган фонда оралиқ экинларни 15-20 см қолдириб ўриб ҳайдалган ҳамда ўрилмасдан ҳайдалган вариантларда ғўзанинг униб чиқиши, куруқ масса тўплаши, қимматли хўжалик белгилари, ўсиши, ривожланиши, пахта ҳосили, толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича олинган маълумотлар баён этилган.

Олинган маълумотларга кўра, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида алмашлаб экиш тизимларида оралиқ экинлардан фойдаланиш натижасида тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий ва микробиологик хоссалари яхшиланганлиги кузатилган. Жумладан, тупроқ ҳажм массаси ротация бошида, тупроқнинг 0-30 см қатламида 1,314 г/см<sup>3</sup> га, ҳайдов ости 30-50 см қатламида 1,366 г/см<sup>3</sup> га, ғўза амал даври охирида оралиқ экинлардан фойдаланиш турига боғлиқ ҳолда тупроқнинг 0-30 см қатламида 15-20 см қолдириб ўриб олинганга нисбатан ўрилмасдан ҳайдаб юборилган вариантларда такрорий экин (соя) экилган ва экилмаган фонларда 0,004-0,009 г/ см<sup>3</sup> гача камайганлиги аниқланган.

Нисбатан мақбул кўрсаткич 1:1, кузги буғдой+ такрорий соя +оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида оралиқ экинлар ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда қайд этилиб, тегишлича 1,280 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлиб, назорат вариантга нисбатан 0,055 г/см<sup>3</sup> га, мавсум бошига нисбатан эса 0,034 г/см<sup>3</sup> га камайганлиги аниқланган. Худди шу вариантда тупроқ сув ўтказувчанлиги кузатилиб, 1-соатда 355,6 м<sup>3</sup>/га, 6 соатда эса 834,6 м<sup>3</sup>/га га тенг бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, оралиқ экинларнинг ушбу фонда агрономик жиҳатдан муҳим бўлган 10,0-0,25 мм оралиғидаги агрегатлар назоратга

нисбатан 15-20 см қолдириб ўриб олиниб ҳайдалган вариантда 4,7; 3,3%га, ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда эса 5,1; 3,7%га ортганлиги аниқланган.

Агрокимёвий таҳлилларига кўра, тадқиқотларда ғўза амал даври охирига келиб озика моддалар қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+ қора шудгор:ғўза тизимида тупроқнинг 0-30 ва 30-50 см қатламларида мос равишда гумус 0,685; 0,528%ни, азот 0,068; 0,045%ни, фосфор 0,104; 0,074%ни ташкил этиб, мавсум бошига нисбатан гумус тупроқ қатламларига тегишлича 0,034; 0,015%, азот 0,009; 0,007%, фосфор 0,012; 0,011%га камайганлиги аниқланган.

Навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+ қора шудгор+ оралик экин (эспарцет) :ғўза тизимида амал даври бошига нисбатан гумус тупроқнинг 0-30 см қатламида ваирантларга тегишлича 0,02; 0,03%га, азот 0,002; 0,002%га, фосфор 0,010; 0,007%га камайганлиги аниқланган. Бироқ, назоратга нисбатан гумус 0,012; 0,031%га, азот 0,007; 0,008%га ва фофор 0,002; 0,005%га юқори бўлганлиги ва 30-50 см қатламда ҳам ушбу қонуният тасдиқланган. Мазкур тизимда такрорий экин соя парваришланиши ҳисобига тупроқнинг 0-30 см қатламида гумус ғўза амал даври охирида ротация бошига нисбатан 0,002; 0,011%га азот 0,002; 0,008%га ортганлиги аниқланган.


Тажрибада нисбатан энг юқори кўрсаткич 1:1, кузги буғдой +такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза қисқа навбатлаб экиш тизимида кузатилган. Унга кўра, тупроқнинг 0-30 см қатламида 8, 9-вариантларда гумус 0,011; 0,015%га, азот 0,008; 0,015%га ортганлиги аниқланган.

Тупроқда озика моддаларнинг ҳаракатчан шакллари бўйича ҳам энг юқори кўрсаткич 1:1, кузги буғдой +такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза қисқа навбатлаб экиш тизимида кузатилган.

Ғалла:ғўза алмашлаб экиш тизимларининг тупроқда микроорганизмлар фаолиятига таъсири бўйича маълумотлар таҳлиliga кўра, аммонификаторлар ( $4,2 \times 10^7$ ), фосфор парчаловчи бактериялар ( $4,8 \times 10^6$ ), олигонитрофиллар ( $2,1 \times 10^6$ ) ва актиномицитлар ( $6,5 \times 10^3$ ) тупроқ учун хос бўлган меъёрдан 1-2 тартибга кам эканлиги ҳамда микромицитлар ( $3,3 \times 10^4$ ) эса тупроқ учун хос бўлган меъёрдан 1-2 тартибга юқори эканлиги аниқланган. Ғўза амал даври охирида аммонификаторлар назорат вариантда  $3,2 \times 10^7$  га тенг бўлган бўлса, қора шудгор фонида оралик экинлар парваришланганда  $4,8-5,6 \times 10^7$  га, такрорий экин соядан сўнг оралик экинлар экилганда  $5,5-9,4 \times 10^7$  га тенг бўлганлиги, бу эса оралик экинлардан фойдаланиш самарадорлигини ошганлиги илмий асосланган.

Қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:1, ғалла+ такрорий экин+оралиқ экин: ғўза тизимларида экинларни органик (илдиз, анғиз, кўк масса) қолдиқлари ҳамда улар таркибида тупроққа қайтаётган озика моддалар микдори бўйича, энг юқори кўрсаткич, такрорий экин соядан сўнг оралик экин сифатида клевер парваришланган (8, 9-вар)да кузатилган. Унга кўра, жами экинлар органик қолдиқлари билан фойдаланиш турларига боғлиқ ҳолда 51,2-86,7 кг азот, 62,0-98,8 кг фосфор ва 52,4-81,0 кг калий элементи қолдирганлиги аниқланган.

Оралиқ экинлар аралаш ҳолда парваришланганда эспарцет экини оралиқ экин сифатида парваришланганга нисбатан яқинроқ маълумотлар олинган. Оралиқ экин сифатида эспарцет +клевер (қизил себарга) фониди 15-20 см қолдириб ҳайдаш, уларнинг илдиз –анғиз қолдиқлари орқали тупроқни 53,8 кг гача азот, 62,0 кг гача фосфор, 52,4 кг гача калий, кўк массасини ўрмасдан, ҳайдаб сидерат сифатида фойдаланиш эса яна ҳам кўпроқ, 86,7 кг гача азот, 98,8 кг гача фосфор ва 81,0 кг гача калий элементи билан тупроқни бойитиши, улардан кейин парваришланадиган экинлардан юқори ҳосил етиштиришга замин яратиши хулоса қилинган (1-расм).



**1-расм. Қисқа навбатли алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза (1:1) тизимида (2021 й) ўсимликларнинг тупроқда қолдирган илдиз-анғиз қолдиқлари таркибидаги озика элементларини миқдори**

Чигитни униб чиқиши, ғўзани кўчат қалинлиги, ўсиши ва ривожланишига 1:1, ғалла:ғўза қисқа навбатлаб экиш тизимларида такрорий

ва оралик экинлардан 15-20 см қолдириб ҳайдалган ҳамда ўрилмасдан ҳайдалган вариантларнинг таъсири ўрганилганда, (2022 йил мисолида) такрорий ва оралик экинлар экилмаган назорат вариантда ўсимлик бўйи (1-август ҳолатига) 93,8 см ни, ҳосил шохлари 13,5 донани ташкил қилган бўлса, кўсақлар сони 12,2 донани (2-сентябр ҳолатига), қуруқ массаси 112,3 г ни ташкил этган. Қора шудгор фонидида эспарцет экинни 15-20 см қолдириб ўрилиб ҳайдалган ва ўрилмасдан ҳайдалган вариантларда назоратга нибатан тегишлича ўсимлик бўйи 1,6; 3,2 см га, ҳосил шохи 0,8; 1,6 донага, кўсақлар сони 0,6; 1,0 донага, такрорий экин соядан сўнг тегишлича кўрсаткичлар 2,8 см, 1,3 дона, 1,4 донага, қуруқ масса тўплаши 7,0-10,1 г га юқори бўлган.

Навбатлаб экиш тизимларида нисбатан юқори кўрсаткич клевер (қизил себарга) ни такрорий экин соядан сўнг парваришланган 8- ва 9-вариантда қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан таққосланганда тегишлича ўсимлик бўйи 6,2; 7,3 см га, ҳосил шохи 2,7; 3,2 донага, кўсақлари 2,7; 3,4 донага, қуруқ масса миқдори 9,4-8,5 г га кўп бўлганлиги аниқланган.

Тажрибада ўрганилган омилларни пахтанинг қимматли хўжалик белгилари бўйича самарадорлиги ғўзанинг янги “Пахтакор-3” навида ўрганилган бўлиб, назорат вариантда ўртача 1 кўсақдаги пахта вазни 4,3 г ни, тола чиқиши 35,8%ни ва 1000 дона дон вазни эса 119,6 г га тенг бўлганлиги кузатилган. Нисбатан юқори кўрсаткичлар такрорий экин соядан сўнг оралик экин сифатида клевер экилган вариантларда кузатилиб, 15-20 см қолдириб ҳайдалган 8-вариантда 1 кўсақ пахта вазни 4,6 г, тола чиқиши 37,4% ҳамда 1000 дона чигит вазни 128,4 г ни, ўрмасдан ҳайдаб ғўза парваришланганда эса 1 кўсақ пахта вазни 0,1 г га, тола чиқиши 0,6%га юқори бўлган бўлса, 1000 дона чигит вазни эса 2,0 г га кам бўлганлиги аниқланган.

Оралик экинларни аралаш ҳолда экиб фойдаланилганда эспарцет алоҳида экилганга нисбатан кўрсаткичлар юқори, бироқ клевер алоҳида оралик экин сифатида парваришланганга нисбатан камроқ бўлганлиги кузатилган. Ушбу қонуният ғўза ҳосилдорлигида ҳам кузатилган. Назорат вариантыда ғўза ҳосилдорлиги ўртача 34,7 ц/га ни ташкил этган бўлса, эспарцет қора шудгор фонидида фойдаланиш турига боғлиқ ҳолда 36,9; 37,7 ц/га, такрорий экин соядан сўнг 39,6; 40,7 ц/га ни ташкил этган (1-жадвал).

Энг юқори ҳосилдорлик кузги буғдой+ такрорий экин (соя)+ оралик экин сифатида (клевер) :ғўза тизимида, оралик экинлар баҳорда ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантдан олиниб, 42,9 ц/га ни ташкил этди. Назорат вариантга нисбатан гектар ҳисобига 8,2 ц, худди шу фонда 15-20 см қолдириб ўриб ҳайдалган 8-вариантда эса қўшимча ҳосил 6,7 ц/га га тенг бўлганлиги қайд этилган.

Оралик экин сифатида эспарцет ва клевер аралаш ҳолда парваришланганда такрорий экин соя экилган фонда 15-20 см қолдириб ўрилиб ҳайдалган 12- вариантда 40,5 ц/га, ўрилмасдан ҳайдалган 13-вариантда пахта ҳосили 41,7 ц/га ни, эспарцет экинига нисбатан шу фонда 1,0; 1,3 ц/га юқори бўлган бўлса, клевер экинни алоҳида экилганга нисбатан ғўза ҳосилдорлиги 1,1; 1,4 ц/га га камроқ олинганлиги кузатилган.

1-жадвал

Кузги буғдой, такрорий экин соя ва оралик экинларнинг ғўза  
хосилдорлигига таъсири, ц/га (2020-2022 йй)

Вар т/р	Навбатлаб экиш тизимлари	Оралик экинлардан фойдаланиш тури	Йиллар бўйича хосилдорлик			ўртача пахта хосили	Кўшимча хосил, ц/га
			2020 й	2021 й	2022 й		
1	1:1. Кузги буғдой +қора шудгор:ғўза	-	34,5	34,2	35,4	34,7	-
2	1:1. Кузги буғдой+ қора шудгор+ оралиқ экин (эспарцет) :ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	36,5	36,3	37,9	36,9	2,2
3		Ўрилмасдан ҳайдалади	37,4	37,1	38,7	37,7	3,0
4	1:1. Кузги буғдой +такрорий экин соя+оралиқ экин (эспарцет):ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	39,5	39,2	40,2	39,6	4,9
5		Ўрилмасдан ҳайдалади	40,6	40,1	41,5	40,7	6,0
6	1:1. Кузги буғдой + қора шудгор +оралиқ экин (клевер) :ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	37,6	38,0	39,0	38,2	3,5
7		Ўрилмасдан ҳайдалади	38,7	38,9	40,3	39,3	4,6
8	1:1. Кузги буғдой+ такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	41,0	41,3	41,9	41,4	6,7
9		Ўрилмасдан ҳайдалади	42,4	42,8	43,4	42,9	8,2
10	1:1. Кузги буғдой+ қора шудгор+ оралиқ экин (эспарцет+ клевер) :ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	37,1	37,0	38,5	37,5	2,8
11		Ўрилмасдан ҳайдалади	38,3	38,0	39,7	38,7	4,0
12	1:1. Кузги буғдой+ такрорий экин соя+оралиқ экин (Эспарцет+клевер) :ғўза	15-20 см қолдириб ўрилади ва ҳайдалади	40,3	40,2	41,1	40,5	5,8
13		Ўрилмасдан ҳайдалади	41,3	41,4	42,3	41,7	7,0

*HCP<sub>05</sub>*= 1,08 ц 1,41 ц 1,35 ц  
*HCP<sub>05</sub>(A)*= 0,75 ц 1,00 ц 0,96 ц  
*HCP<sub>05</sub>(B)*= 0,63 ц 0,80 ц 0,78 ц  
*HCP<sub>05</sub>(C)*= 0,75 ц 1,00 ц 0,96 ц

Пахта толаси сифат кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичлар навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+ такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида кузатилган бўлиб, 8-вариантда назоратга нисбатан тегишлича, 0,79-1,07 мм; 0,31-0,56 %; 1,02-1,12 г/текс; 0,05-0,20 ug/inch; 13,7-20,3 га юқори бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Алмашлаб экишнинг соя:ғўза (1:2) тизимида асосий экин соя ва оралик экинлар ҳамда маъдан ўғит меъёрларининг тупроқ унумдорлиги ва ғўза хосилдорлигига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида тупроқ унумдорлиги ва ғўза хосилдорлигини оширишда асосий экин соядан сўнг тадқиқотларда етарлича ўрганилмаган эспарцет ва клевер экинларини оралик экин сифатида парваришланиб, сидерат сифатида

фойдаланиш фонида маъдан ўғит меъёрларини самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Тупроқ ҳажм массаси сояни амал даври бошида 0-30 см қатламда 1,245 г/см<sup>3</sup> га, 30-50 см қатламда 1,313 г/см<sup>3</sup> га тенг бўлиб, ғўза амал даври охирида тритикале алоҳида ҳамда эспарцет ва клевер билан аралаш ҳолда оралиқ экин учун парваришланиб сидерат сифатида фойдаланилганда тупроқ ҳажм массасига турлича таъсир кўрсатганлиги аниқланган. Мақбул кўрсаткич тритикале+клевер ғўзани N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилган 10-вариантда кузатилиб, тупроқ қатламларига тегишлича 1-йилда 1,263; 1,319 г/см<sup>3</sup> га, 2-йили бу кўрсаткичлар 0,037; 0,023 г/см<sup>3</sup> га ортганлиги аниқланган. Лекин, назоратга (оралиқ экин экилмаган ва N<sub>200</sub>P<sub>140</sub>K<sub>100</sub> кг/га маъдан ўғитлар меъёри қўлланилган) нисбатан эса тупроқ қатламларига тегишлича 1-йилда 0,047; 0,033 г/см<sup>3</sup> га, 2-йилда 0,026; 0,025 г/см<sup>3</sup> га камроқ зичланганлиги кузатилган.

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги соя амал даври бошида умумий фонда ўрганилганда жами 6 соат давомида 813,0 м<sup>3</sup>/га сув ўтганлиги, назорат вариантда 1-йил ғўза амал даври охирида 703,0 м<sup>3</sup>/га сув ўтганлиги, ғўза кетма-кет 2-йил парваришланганда (2022-й) эса 46,7 м<sup>3</sup>/га камайганлиги аниқланган.

Тажрибада 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+тритикале):2 йил ғўза тизимида (8, 10-вариантларда) энг юқори кўрсаткичлар олиниб, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида ўғитсиз вариантда йилларга мос равишда 693,1; 647,7 м<sup>3</sup>/га, маъдан ўғит меъёрларидан N<sub>120</sub>P<sub>84</sub>K<sub>60</sub> кг/га меъёри қўлланилганда 756,5; 726,7 м<sup>3</sup>/га, N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрда қўлланилган 10-вариантда энг юқори 786,2; 760,7 м<sup>3</sup>/га сув ўтганлиги қайд этилиб, назорат вариантга нисбатан 6 соат давомида йилларга мос равишда 83,2; 104,4 м<sup>3</sup>/га юқори бўлганлиги кузатилган.

Тупроқда озика элементлари умумий шакллари ўрганилганда, қисқа навбатли алмашлаб экиш (1:2, соя+оралиқ экин: ғўза) тизимларида ғўзада маъдан ўғитларни N<sub>120</sub>P<sub>90</sub>K<sub>60</sub> меъёри қўлланилиши 1-йили озика элементлари 1-йилга ижобий таъсир этиши, 2-йилида эса дастлабкига яқин миқдорда сақланиб қолганлиги кузатилган. Маъдан ўғитларнинг N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёри қўлланилган 10-вариантда нисбатан юқори бўлиб, ғўза парваришлашнинг 1-йили тупроқ қатламига (0-30, 30-50 см) мос равишда дастлабкига нисбатан 1-йил гумус 0,053; 0,043%га, умумий азот 0,018; 0,014%га, фосфор 0,023; 0,016%га ортганлиги, 2-йилида эса гумус тупроқ қатламларига мос равишда 0,027; 0,018%га, умумий азот 0,011; 0,005%га, фосфор 0,018; 0,011%га юқори бўлганлиги аниқланган.


Тажриба даласи тупроғи самарали (эфектив) унумдорлигини белгиловчи нитратли азот, ҳаракатчан фосфор, алмашинувчи калий бўйича олинган маълумотларда ҳам оралиқ экинлардан сўнг 2 йил давомида ғўзага маъдан ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрда қўллаш нисбатан самаралироқ эканлигини кўрсатган. Тажрибада 1:2, соя +оралиқ экин (клевер+ тритикале) :ғўза тизимида нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилиб, ғўзага маъдан

Ўғитлар  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрада қўлланилган 10-вариантда нитратли азот дастлабкига нисбатан ғўза парваришланиши 1-йили тупроқ қатламларига тегишлича 9,09; 3,73 мг/кг га, 2-йили 5,05; 1,67 мг/кг га, ҳаракатчан фосфор мос равишда 1-йили 7,98; 3,18 мг/кг, 2-йил 5,06; 1,27 мг/кг га, алмашинувчи калий 36,0; 30,0 мг/кг ва 20,0; 19,0 мг/кг га ортганлиги аниқланган.

Микроорганизмлар микдори эспарцет ва клевер (қизил себарга) экинлари тритикале билан бирга ҳамда уч компонентли эспарцет + клевер (қизил себарга) + тритикале бирга экилган фонларда барча вариантларда 1-йилда бир тартибга юқори бўлган бўлса, 2-йилга келиб  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га маъдан ўғит меъёри қўлланилган вариантларда 1 г тупроқда  $1,2; 1,3; 1,8 \times 10^8$  ҚХБ ни ташкил этиб, юқори кўрсаткични сақлаб қолган бўлса, ўғитсиз ҳамда  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрада маъдан ўғитлар қўлланилганда бир тартибга камайганлиги аниқланган.

Тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда оралик экинларнинг органик (илдиз, анғиз, кўк массаси) қолдиқлари асос ҳисобланади.

Тадқиқотларда олинган маълумотларга кўра, ўсимликларни органик массаси орқали тупроқда қолаётган озика элементлари (NPK) қўшимча эспарцет+тритикале фонида соя билан бирга 108 кг/га азот, 81,1 кг/га фосфор ва 85,7 кг/га калий, клевер (қизил себарга) + тритикале фонида ушбу кўрсаткичлар энг юқори тегишлича 113,2 кг/га азот, 91,4 кг/га фосфор, 94,7 кг/га калий элементи қайтаётган бўлса, клевер+эспарцет+тритикале уч компонентли аралашмасида азот 104,5 кг/га, фосфор 85,6 кг/га, калий 87,6 кг/га ни ташкил этган (2-расм).




2-расм. Асосий экин соя ва оралик экинлар орқали тупроққа қайтаётган озика моддалар микдори, кг/га.

Тадқиқотларда оралиқ экинлардан фойдаланиш ва уларнинг фониди маъдан ўғит меъёрларини ўзанинг ўсиши, ривожланишига таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, оралиқ экинларни икки ва уч компонентли аралашмалари фониди энг юқори кўрсаткич тритикале+клевер (қизил себарга) экилган 10-вариантда  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда кузатилиб, бир кўсак пахта вази 4,7 г, тола чиқиши 36,7%, 1000 дона чигит вази 129,3 г га тенг бўлган. Назорат, оралиқ экин экилмасдан  $N_{200}P_{140}K_{100}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилган 1-вариантга нисбатан бир кўсак пахта вази 0,2 г га, тола чиқиши 0,3 %га, 1000 дона чигит массаси эса 3,7 г га юқори бўлганлиги аниқланган.

Тажриба натижаларида муҳим кўрсаткичлардан бири пахта ҳосили бўлиб, назорат вариантда пахта ҳосили 1-йили 35,7 ц/га, 2-йили 35,3 ц/га тенг бўлган (3-расм).

Оралиқ экинлар таъсири бўйича энг юқори кўрсаткич тритикале+клевер (қизил себарга) фониди ўза экилган вариантларда кузатилиб, ўза ўғитсиз парваришланганда икки йилда ўртача 24,8 ц/га,  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилган 9-вариантда 38,6 ц/га,  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилган 10-вариантда эса пахта ҳосили 43,5 ц/га га тенг бўлган. Таъкидлаш керакки,  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўллаш барча оралиқ экинлар фониди юқори натижа қайд этган бўлиб, оралиқ экин экилмаган назорат вариантга нисбатан эспарцет+тритикале фониди 5,8 ц/га ни, эспарцет+клевер+тритикале фониди 7,0 ц/га ва энг юқори кўрсаткич клевер +тритикале фониди 8,0 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.



	2021 й	2022 й	2021 й	2022 й
$HCP_{05} =$	1,20 ц	1,43 ц	$HCP_{05}\% =$	1,19 %
$HCP_{05}(A) =$	0,69 ц	0,82 ц	$HCP_{05}\% =$	0,68 %
$HCP_{05}(B) =$	0,61 ц	0,71 ц	$HCP_{05}\% =$	0,59 %

3-расм. Соя-ўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида оралиқ экинлар ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг ўза ҳосилдорлигига таъсири

Толанинг сифат кўрсаткичларидан энг узун толаларнинг ўртача узунлиги бўйича тажрибанинг биринчи йилида оралик экин сифатида тритикале алоҳида экилган фонда ғўзани  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га ва  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрларида маъдан ўғитлар билан озиклантирилган 3 ва 4-вариантларда 28,68; 29,74 мм ни ташкил этган бўлса, худди шу ўғит меъёрларида эспарцет +тритикале фонда (6, 7-вар.) 28,69; 29,56 мм, клевер+тритикале фонда парваришланган ғўзада пахта толаси энг узун толалар ўртача узунлиги (9, 10-вар.) 28,80; 29,46 мм, эспарцет +клевер +тритикале фонда (12, 13-вар.) 28,36; 29,63 мм ни ташкил этган.

Тажрибанинг иккинчи йилида эса  $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилган вариантларда нисбатан камайиш ва  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрларида маъдан ўғитлар қўлланилганда эса ортганлиги аниқланди. Толанинг микронейр кўрсаткичлари юқори  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда, оралик экин экилмаган назорат 1-вариантда тажрибани биринчи йили 3,96, иккинчи йилида 4,05, оралик экинлардан сўнг юқори меъёрда ( $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га) ўғит қўлланилган вариантларда оралик экин турларига боғлиқ ҳолда 4,11; 3,99; 4,14; 3,97 ни, иккинчи йили 4,02; 3,90; 4,20; 4,07 ни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Алмашлаб экишнинг ғалла:ғўза ва соя:ғўза тизимларида асосий, такрорий ва оралик экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги”** деб номланган бешинчи бобида тадқиқотларда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, навбатлаб экиш тизимларида кузги буғдой, такрорий ва асосий экин сифатида соя, улардан сўнг оралик экин сифатида эспарцет ҳамда клевер экинлари алоҳида ва тритикале билан турли компонентлари парваришланган. Ушбу экинларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилган. Унга кўра, кузги буғдойда мавсум охирида ўртача ўсимлик бўйи 89,0 см ни, кўчат қалинлиги 231,8 минг туп/га ни, маҳсулдор поялар сони 1 м<sup>2</sup> да 370,9 донани ташкил этган бўлса, бир бошоқдаги дон сони ўртача 33,8 донага, вазни эса 1,28 г га, 1000 дона дон вазни 38,0 г га, дон ҳосилдорлиги ўртача 47,5 ц/га ни ташкил этган.

Такрорий экинга соянинг “Орзу” нави экилган. Кўчат қалинлиги гектарига ўртача 330,3 минг тупни ташкил этган. Ўсимлик бўйи 62,9 см га, ҳосил шохи бир ўсимликда ўртача 2,8 донага, бир ўсимликда дуккаги 23,3 донани, дон сони ўртача 55,9 донани, 1000 дона дон вазни эса 122,4 г ни, дон ҳосили ўртача уч йилда эса 22,3 ц/га га тенг бўлганлиги аниқланган. Соя дони таркибида ёғ миқдори 2019-йилда 22,6%, 2020-йилда 22,5%ни ва тажрибанинг учинчи йилида 22,3%ни, оқсил ўртача 37,8%, крахмал 6,0%ни ва клечатка эса 5,0%ни ташкил этган. Гектар ҳисобида бир гектар майдондан ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида такрорий экин сифатида соя июл ойи иккинчи ўн кунлигида парваришланганда ўртача 22,3 ц/га дон ёки 842,9 кг оқсил, 497,3 кг мой етиштириш мумкинлиги хулоса қилинган.

Оралик экинларни кўк масса ҳосили бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилинганда энг юқори кўк масса ҳосили такрорий экин соядан сўнг парваришланган клевер (қизил себарга) экинида 193,3 ц/га га, эспарцетда

161,4 ц/га, аралаш экилганда эса 173,1 ц/га ни, такрорий экин экилмасдан оралик экинлар парваришланганда ҳам клевер экинида юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Фақатгина, такрорий экин соядан сўнг парваришланга нисбатан тегишлича 10,6; 10,4; 4,2 ц/га камроқ кўк масса ҳосили олинган.

Асосий экин сифатида соянинг “Нафис” навида кўчат қалинлиги ўртача 266,0 минг туп/га ни, ўсимлик бўйи мавсум охирига бориб ўртача 119,3 см ни, ҳосил шохи 3,2 дона, 1 ўсимликда ўртача дуккаклар сони 29,9 донага, 1000 дона дон вазни 149,1 г ни ташкил этиб, дон ҳосилдорлиги 31,0 ц/га га, дони таркибида клечатка 5,1%, мой миқдори 22,5%, крахмал 5,2%, оқсил миқдори эса 38,2%ни ташкил этган.

Асосий экинга экилган соя ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг 30-сентябрда оралик экин сифатида тритикале алоҳида ва клевер (қизил себарга) ҳамда эспарцет экинлари билан аралаш ҳолда икки ва уч компонентли аралашмалари экилган. Ўрим олди кўчат қалинлиги тритикале экинида 2,49 млн дона/га ни, ўсимлик бўйи 65,6 см, кўк масса ҳосили 213,6 ц/га ни ташкил этган. Эспарцет+тритикале 2,79 млн дона/га, ўсимлик бўйи 67,3 см, кўк масса ҳосили 240,8 ц/га ни ташкил этган. Клевер+тритикале фонидан энг юқори кўрсаткич қайд этилиб, тегишлича 3,14 млн дона/га, ўсимлик бўйи 66,4 см, кўк массаси 270,6 ц/га, тритикале+эспарцет+клевер экилганда 3,13 млн дона/га га, ўсимлик бўйи 68,7 см, кўк массаси 255,4 ц/га га тенг бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “Алмашлаб экиш тизимларида асосий, такрорий ва оралик экинлар парваришланиши иқтисодий самарадорлиги” деб номланган олтинчи бобида ўрганилган алмашлаб экиш тизимларида сарфланган ҳаражатлар, соф даромад ва рентабеллик даражаси бўйича олинган маълумотлар келтирилган.

Ўзани такрорий ва оралик экинлар фонидан парваришланиши нисбатан юқори иқтисодий кўрсаткичлари такрорий экин соядан сўнг клевер (қизил себарга) экини парваришланиб, 15-20 см қолдириб ўриб олиб, кейин ҳайдалган 8-вариантда пахта ҳосили ўртача 41,4 ц/га ни, соф даромад гектаридан 11027482,9 сўмни, рентабеллик 55,6%ни, назоратга нисбатан тегишлича 3125428,7 сўмга, рентабеллик эса 8,3%га юқори бўлганлиги, оралик экин ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда эса соф даромад 11956735,4 сўмни, рентабеллик 59,8%ни ташкил этиб, назоратга нисбатан тегишлича 4054681,2 сўмга, рентабеллик эса 12,5%га юқори бўлганлиги кузатилган.

Асосий экин соя+оралик экин: ғўза (1:2) навбатлаб экиш тизимида ғўза парваришланиши иқтисодий самарадорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич навбатлаб экишнинг 1:2, соя +оралик экин (клевер+ тритикале) :ғўза тизимида қайд этилиб, маъдан ўғитлар  $N_{120}P_{84}K_{60}$  кг/га меъёрида қўлланилган 9-вариантда кўрсаткичлар тегишлича 40,7-36,4; 10379704,1-10479548,6; 54,8-67,8 %, маъдан ўғитлар меъёри  $N_{180}P_{126}K_{90}$  меъёрида қўлланилган 10-вариантда ушбу кўрсаткичлар тегишлича 43,9-43,1 ц/га, сотишдан тушган даромад 31694677,2-30701008,8 сўм/га, ишлаб чиқариш ҳаражатлари жами 20409031,8-17518936,8 сўм/га, соф даромад 11285645,4-13182072,0 сўм/га,

рентабеллик 55,3-75,2 %га тенг бўлганлиги аниқланган. Оралиқ экинларсиз парваришланган 1- вариантга (назорат) нисбатан маъдан ўғитлар  $N_{120}P_{84}K_{60}$  кг/га меъёрда қўлланилган 9-вариантда тажрибанинг 1-йилида соф даромад 1558679,2 сўм/га, рентабеллик эса 2,1%га, 2-йилида эса тегишлича 1834720,2 сўм/га ва 15,9%га юқори бўлганлиги аниқланган бўлса, маъдан ўғитлар  $N_{180}P_{126}K_{90}$  меъёрда қўлланилган 10-вариантда эса соф даромад йилларга тегишлича 24646206; 4537243,6 сўм/га ва рентабеллик 2,6; 23,3%га юқори бўлганлиги қайд этилган.

Диссертациянинг “**Ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган тажриба натижалари**” деб номланган еттинчи бобида ишлаб чиқариш синовида олиб борилган тажриба натижалари бўйича маълумотлар келтирилган.

Навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+ такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида оралиқ экинлар сифатида парваришланган клевер экини ҳўл массаси 189,1 ц/га, куруқ массаси 26,3 ц/га га тенг бўлганлиги кузатилган. Такрорий экин соя фонидида оралиқ экин клеверни 15-20 см қолдириб ўриб ҳайдалган вариантда ғўза ҳосилдорлиги 39,4 ц/га ни, ўрилмасдан ҳайдалган вариантда эса нисбатан юқори кўрсаткичлар олиниб, назоратга нисбатан 5,7 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

Тажрибада 1:2, соя +оралиқ экин (клевер+тритикале) :ғўза тизимида оралиқ экинларда кўк масса ҳосили 270,6 ц/га га, ундан сўнг парваришланган ғўза ҳосилдорлиги маъдан ўғитларнинг  $N_{180}P_{126}K_{90}$  кг/га меъёри қўлланилганда нисбатан юқори натижа кузатилиб, тегишлича 40,7; 40,1 ц/га ни ташкил этиб, назорат вариантга нисбатан 6,4-6,1 ц/га, ўғитсизга нисбатан эса 15,7-17,4 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда 1:1, кузги буғдой+ такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида тупроқнинг 0-30 см қатламида унинг ҳажм массаси амал даври бошига нисбатан 0,027; 0,034 г/см<sup>3</sup> га ва 0,029; 0,036 г/см<sup>3</sup> га, ғоваклиги 1,0-1,8 %гача, сув ўтказувчанлиги 128,4-157,5 м<sup>3</sup>/га гача, кузги буғдойдан сўнг такрорий ва оралиқ экин экилмаган назорат вариантга нисбатан эса тупроқ ҳажм массаси 0,048-0,055 г/см<sup>3</sup> гача, ғоваклиги 1,8-2,1%гача, агрономик муҳим бўлган 10,0-0,25 мм оралиғидаги агрегатлар 4,7; 3,3%га, сув ўтказувчанлиги 103,8-132,9 м<sup>3</sup>/га гача яхшиланди.

2. Навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой +такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида такрорий ва оралиқ экин сифатида экилган дуккакли экинларнинг илдиз-анғиз (8,83 т/га) ҳамда органик қолдиқлари (193,3 ц/га) ҳисобига 1-ротацияда (2 йил) гектарига 51,2-86,7 кг азот, 62,0-98,8 кг фосфор, 52,4-81,0 кг калий тупроққа қайтиши, натижада тупроқнинг 0-30 см қатламида мавсум бошига нисбатан (8, 9-вариантларда) гумус 0,011; 0,015 %га, умумий азот 0,008; 0,015%га, нитратли азот 0,96; 1,21 мг/кг га, назоратга нисбатан нитратли азот 2,69; 2,94 мг/кг га, ҳаракатчан фосфор 2,5; 4,2 мг/кг га, алмашинувчи калий 48-54 мг/кг га ортади. Шунингдек, актиномицитлар

4,13-4,26 мартага, микромицитлар 4,66 мартага, олигонитрофиллар 7,13-7,27 мартага, фосфор парчаловчилар 7,12-7,50 мартага кўпаяди.

3. Навбатлаб экиш тизимида ўсимлик бўйи, ҳосил шохи ва бир ўсимликда кўсақлар сони бўйича энг юқори кўрсаткич клевер (қизил себарга)ни алоҳида такрорий экин соядан сўнг парваришланганда қайд этилиб, ўсимлик бўйи оралиқ экинларни 15-20 см қолдириб ҳайдалган ва ўрилмасдан ҳайдаб юборилган вариантларда тегишлича 100,0; 101,1 см, ҳосил шохи 16,2; 16,7 дона ва кўсақлар сони 14,9; 15,6 донани, куруқ массаси 133,2; 141,3 г га тенг бўлиб, назорат вариантга нисбатан ўсимлик бўйи 6,2; 7,3 см га, ҳосил шохи 2,7; 3,2 донага, кўсақлари 2,7; 3,4 донага, куруқ массаси 20,9; 29,0 г га юқори бўлди.

4. Пахтанинг қимматли хўжалик белгилари бўйича энг юқори кўрсаткичлар такрорий экин соядан сўнг оралиқ экин сифатида клевер 15-20 см қолдириб ҳайдалган 8-вариантда аниқланиб, битта кўсақдаги пахта вазни 4,6 г, тола чиқиши 37,4% ҳамда 1000 дона чигит вазни 128,4 г ни, оралиқ экинни ўрмасдан ҳайдаб ғўза парваришланган 9-вариантда эса 1 кўсақ пахта вазни 0,1 г га, тола чиқиши 0,6%га юқори, 1000 дона чигит вазни эса 2,0 г га кам бўлди.

5. Ғўза ҳосилдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткич такрорий экин сифатида экилган соядан сўнг оралиқ экин клевер (қизил себарга) кўк масса ҳосили ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда ўртача уч йилда 42,9 ц/га га тенг бўлиб, назоратга нисбатан 8,2 ц/га, худди шу фонда оралиқ экин 15-20 см қолдириб ўриб олиниб ҳайдалган вариантда эса назоратга нисбатан 6,7 ц/га га юқори ҳосил олинди.

6. Толанинг сифат кўрсаткичлари бўйича нисбатан энг юқори кўрсаткичлар навбатлаб экишнинг 1:1, кузги буғдой+ такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) :ғўза тизимида кузатилиб, оралиқ экинларни 15-20 см қолдириб ҳайдалган 8-вариантда ўртача энг узун тола кўрсаткичи 29,57 мм, толанинг эластиклиги 7,52%, солиштирма узилиш кучи (пишиқлиги) 33,43 г/текс, микронейр кўрсаткичи 4,18 (ug/inch), ип йигирувчанлик коэффициенти 150,6 га, оралиқ экинлар ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда эса мос равишда 29,85 мм, 7,21%, 33,53 г/текс, 4,23 ug/inch, 157,2 га тенг бўлиб, шу фонда такрорий экин экилмаганга нисбатан тегишлича (ўхшаш вариантлар) 0,78-1,03 мм; 0,10-0,05%; 0,91 г/текс; 0,18-0,12 ug/inch; 10,2-10,7 га, назоратга нисбатан эса 0,79-1,07 мм; 0,31-0,56%; 1,02-1,12 г/текс; 0,05-0,20 ug/inch; 13,7-20,3 га юқори бўлди.

7. Алмашлаб экишнинг 1:2, соя +оралиқ экин (тритикале+клевер): ғўза тизимида тупроқнинг ҳажм массаси ғўзага  $N_{180}P_{120}K_{90}$  кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўлланилганда тупроқнинг 0-30, 30-50 см қатламларида, ғўза парваришланганинг 1-йилида мос равишда 1,263; 1,319 г/см<sup>3</sup> га, 2-йилида 1,300; 1,342 г/см<sup>3</sup> га, ғоваклиги 52,70; 51,31 %, 50,60; 49,74 %га тенг бўлиб, оралиқ экин экилмаганга нисбатан 1-йилда мос равишда 0,047; 0,033 г/см<sup>3</sup> га, 2-йилда 0,026; 0,025 г/см<sup>3</sup> га, ғоваклиги 1,76; 1,24 %, 0,97; 0,94 %га, сув

ўтказувчанлиги 6 соатда йилларга мос равишда 83,2; 104,4 м<sup>3</sup>/га, ўғитсиз вариантга нисбатан эса тегишлича 93,1; 113,0 м<sup>3</sup>/га га юқори бўлди.

8. Тупроқнинг агрохимёвий хоссалари бўйича энг юқори кўрсаткич, қисқа навбатли алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин (клевер+тритикале): ғўза тизимида маъдан ўғитларнинг N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёри қўлланилган вариантда кузатилиб, оралиқ экинлардан сидерат сифатида фойдаланиш натижасида ғўза парваришланишнинг 1-йили тупроқнинг 0-30, 30-50 см қатламида мос равишда дастлабкига нисбатан гумус 0,053; 0,043%га, умумий азот 0,018; 0,014%га, фосфорнинг умумий шакли 0,023; 0,016%га ортганлиги, 2-йилида эса нисбатан камайиши, бироқ, дастлабкига нисбатан тупроқ қатламларига мос равишда гумус 0,027; 0,018%га, умумий азот 0,011; 0,005%га, фосфор 0,018; 0,011%га юқори бўлди.

9. Оралиқ экинлар орқали тупроққа сидерат сифатида ҳайдалган кўк масса ҳосили бўйича энг юқори кўрсаткич тритикале + клевер экилган вариантда кўк масса 270,6 ц/га, куруқ масса 40,4 ц/га ни, тупроқнинг 0-50 см қатламида илдиз-анғиз қолдиқлари 5,76 т/га, жами соя ва оралиқ экинлар илдиз-анғиз қолдиқлари 8,22 т/га ни ташкил этиб, улар орқали жами 113,2 кг/га азот, 91,4 кг/га фосфор, 94,7 кг/га калий тупроққа қайтади.

10. Асосий экин соядан сўнг (1:2 тизимда) оралиқ экин сифатида тритикале+ клевер (қизил себарга) парваришланиб сидератга ҳайдаб, ундан сўнг ғўза парваришида N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда ғўза парваришланишнинг 1-йилида тегишлича ўсимлик бўйи 97,0 см, ҳосил шохи 14,7 дона ва кўсаклар сони 13,7 донага, 2-йили мос равишда 94,1; 13,4; 13,5 донага тенг бўлиб, оралиқ экин экилмаганга нисбатан тегишлича 1-йили 5,6; 1,4; 1,0 донага, худди шу фонда ўғитсиз ғўза парваришланган вариантга нисбатан эса 4,6; 2,9; 2,1 донага юқори, 2-йилида ҳам оралиқ экин экилмаганга нисбатан тегишлича 4,6; 1,8; 2,2 донага, ўғитсиз вариантга нисбатан 36,7 см; 4,8 дона; 5,6 донага, бир кўсак пахта вазни 0,20 г, 1000 дона чигит вазни 5,3 г га, ўғитсиз вариантга нисбатан 0,99 г; 1,8%; 28,3 г га юқори бўлишини таъминлайди.

11. Пахта ҳосили 1:2, соя+тритикале+клевер (қизил себарга):ғўза навбатлаб экиш тизимида ғўза N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрда маъдан ўғитлар қўлланилганда 1-йили 43,9 ц/га, 2-йили 43,1 ц/га га тенг бўлиб, оралиқ экин экилмаган назорат вариантга нисбатан йилларга тегишлича, 8,2-7,8 ц/га, шу фонда ўғитсиз вариантга нисбатан 17,5-19,9 ц/га кўшимча ҳосил олинди.

12. Толанинг технологик сифат кўрсаткичлари 1:2, соя +оралиқ экин (клевер+ тритикале) :ғўза навбатлаб экиш тизимида ғўзада N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрларида маъдан ўғитлар қўлланилганда ўртача энг узун тола кўрсаткичи тажрибанинг 1-йилида 29,46 мм, солиштирма узилиш кучи 32,9 г/текс га, микронейр кўрсаткичи 4,14 ug/inch ни, ип йигирувчанлик коэффиценти 159,3 га, 2-йили тегишлича 29,74 мм; 33,2 г/текс; 4,20 ug/inch; 159,8 га тенг бўлиб, оралиқ экин экилмаганга нисбатан йиллар бўйича тегишлича ўртача энг узун тола кўрсаткичи 1,25-1,17 мм га, солиштирма узилиш кучи 3,4-3,5 г/текс, ип йигирувчанлик коэффиценти 7,0-5,8 га, микронейри 0,18-0,15 га ортди.

13. Навбатлаб экиш тизимларида энг юқори иқтисодий самарадорлик 1:1; кузги буғдой+такрорий экин соя+оралиқ экин (клевер) ғўза навбатлаб экиш тизимида оралиқ экин ўрилмасдан ҳайдалган 9-вариантда кузатилиб, соф даромад гектарига 11956735,4 сўмни, рентабеллик даражаси 59,8%ни ташкил қилди ва назоратга нисбатан тегишлича 4054681,2 сўм/га га, рентабеллик эса 12,5 %га юқори бўлганлиги аниқланди.

14. Навбатлаб экишнинг 1:2, соя +оралиқ экин (клевер+тритикале): ғўза тизимида асосий экин сояда соф даромад 5108306,3 сўм/га ва рентабеллик 70,1% ни, ғўзада энг юқори иқтисодий самарадорлик ғўзага маъдан ўғитлар N<sub>180</sub>P<sub>126</sub>K<sub>90</sub> меъёрда қўлланилган 10-вариантда қайд этилиб, соф даромад 1-йили 11285645,4 сўм, 2-йили 13182072,0 сўм/га ни, рентабеллик даражаси тегишлича 55,3; 75,2%ни ташкил этиб, назоратга нисбатан соф даромад йилларга тегишлича 2464620,6-4537243,6 сўм/га ва рентабеллик 2,6-23,3%га юқори бўлганлиги аниқланди.

15. Жиззах вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини ошириш, ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили олиш мақсадида:

қисқа навбатлаб экишнинг 1:1, ғалла+такрорий экин соя +оралиқ экин (клевер):ғўза тизимида такрорий экин сифатида соя ва ундан сўнг оралиқ экин сифатида клевер (қизил себарга) экинини парваришлаб, баҳорда 15-20 см қолдириб, кўк масса ҳосилини ўриб олиб ҳайдаш ва ундан сўнг ғўза парваришlash;

алмашлаб экишнинг 1:2, соя+оралиқ экин:ғўза тизимида асосий экин сифатида соя экиш, ундан сўнг оралиқ экин сифатида клевер (қизил себаргани)ни тритикале билан икки компонентли аралашмасини парваришлаб кўк ўғит сифатида фойдаланиш ва ундан сўнг ғўзани 2 йил маъдан ўғитларни N<sub>180</sub>P<sub>120</sub>K<sub>90</sub> кг/га меъёрда қўллаб парваришlash;

пахтачиликда ўтлоқи бўз тупроқлар унумдорлигини ошириш ва тўйимли кўк масса ҳосили етиштириш учун оралиқ экин сифатида клевер экинини қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларига киритиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И  
АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ  
ХЛОПКА**

**БОЗОРОВ ХОЛМУРОД МАХМУДОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ ОСНОВНЫХ, ПОВТОРНЫХ И ПРОМЕЖУТОЧНЫХ  
КУЛЬТУР НА ПЛОДОРОДИЕ ПОЧВЫ И УРОЖАЙНОСТЬ  
ХЛОПЧАТНИКА В СИСТЕМАХ СЕВООБОРОТА  
(В условиях лугово-сероземных почв Джиззакской области)**

**06.01.01. –Общее земледелие. Хлопководство.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент-2025**

Тема диссертации доктора (DSc) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2020.3.DSc/Qx.160.

Диссертация доктора (DSc) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка (НИИССАВХ)

Автореферат диссертации доктора (DSc) на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.psuwayiti.uz](http://www.psuwayiti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный консультант:** Халиков Баходир Мейликович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Ибрагимов Одиложон Олимжонович  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Хашимов Иброхим Набиевич  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Кенжаев Юнус Чинтошевич  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор


**Ведущая организация:** Ташкентский государственный аграрный университет


Защита диссертации доктора состоится 28 « 08 » 2025 года в 9<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета за номером DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка по адресу: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПТИ, НИИССАВХ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: [raxtauz@mail.ru](mailto:raxtauz@mail.ru)


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка (зарегистрирован под номером № 198). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, Ботаника, ул. УзПТИ, НИИССАВХ Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37.

Автореферат диссертации разослан «15» 08 2025 года  
(реестр протокола рассылки № 1 от 15.08 2025 года).



  
**Ш.Нурматов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н., профессор

  
**Ф.М.Хасанова**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
к.с.х.н., профессор

  
**Ж.Х.Ахмедов**  
Председатель научного семинара при  
научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора наук (DSc))

**Актуальность и востребованность диссертации.** Во всём мире, предназначенные для сельского хозяйства земли, составляют около 5 миллиардов гектаров, из них 1,6 миллиарда гектаров приходятся на посевы сельскохозяйственных культур. В свою очередь по уровню плодородия 28,4% этих земель относятся к высокоплодородным, 39,5% - к высоким, 12,9% - средним, 7,7% - ниже среднего, 6,7% к низким и 4,8% считаются низкоплодородными. Почвы с высоким и очень высоким плодородием в основном приходятся на долю стран с развитым земледелием. Крупнейшими странами-производителями являются Индия (11,6 млн га), Китай (3,0 млн га), США (3,54 млн га), Бразилия (1,587 млн га) и Пакистан (2,950 млн га)<sup>3</sup>. Одной из важнейших задач в мире является научное обоснование эффективности выращивания сои и промежуточных культур в севооборотных системах для повышения плодородия почвы и урожайности хлопчатника.

В странах с развитым сельским хозяйством в условиях глобальных климатических изменений важное значение имеет широкое использование повторных и промежуточных культур для получения стабильного и высокого урожая хлопчатника, а также для повышения плодородия почвы. Особенно, для обеспечения продовольственной безопасности, повышения естественного плодородия почвы и урожайности хлопчатника актуально чередование хлопчатника и культур хлопкового севооборота, посев таких как соя совместно с другими зернобобовыми культурами. Также важной задачей является увеличение производства питательной зелёной массы за счёт промежуточных культур и сокращение норм применения минеральных удобрений при возделывании хлопчатника.

На орошаемых землях нашей республики хлопчатник в основном чередуется с озимой пшеницей. В Узбекистане, как и в других развитых странах, проводятся широкомасштабные мероприятия по выращиванию зернобобовых и промежуточных культур в качестве основных и повторных посевов, а также по расширению площадей кормовых культур с целью повышения плодородия почв и урожайности хлопчатника. В частности, в Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы определены важные задачи по: «...обеспечению продовольственной безопасности населения, рациональному использованию природных ресурсов и охране окружающей среды, устойчивому развитию сельского хозяйства в условиях резких климатических изменений, внедрению эффективных способов применения удобрений, сохранению и повышению плодородия почвы». Исходя из этого, одной из актуальных задач является научное обоснование влияния норм минеральных удобрений, а также основных, повторных и промежуточных культур в системе севооборота на плодородие

---

<sup>3</sup><https://www.fao.org/4/ap106e/ap106e.pdf.P.102-109>.[https://www.fao.org/fileadmin/user\\_upload/GSP/SSM/SSM\\_Protocol\\_EN\\_006.pdf](https://www.fao.org/fileadmin/user_upload/GSP/SSM/SSM_Protocol_EN_006.pdf).<https://www.geeksforgeeks.org/list-of-top-10-countries-of-cotton-production/> List of top 10 Countries of Cotton Production. Last Updated: 19 Dec, 2023

почв и урожайность хлопчатника в условиях лугово-серозёмных почв Джизакской области.

Указ Президента Республики Узбекистан от 23 октября 2019 года № УП-5853 «О Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020–2030 годы», постановление от 25 марта 2022 года № УП-179 «О мерах по повышению плодородия почв и урожайности хлопчатника на хлопковых полях», Постановление от 7 июля 2022 года № УП-308 «О дополнительных организационных мерах по увеличению урожайности хлопчатника и внедрению науки и инноваций в хлопководство», а также постановление от 13 февраля 2024 года № УП-71 «О дополнительных мерах по борьбе с деградацией сельскохозяйственных земель, поддержке повышения содержания гумуса и плодородия почв» и другие нормативно-правовые документы определяют задачи, реализация которых в определённой степени обеспечивается результатами данного диссертационного исследования.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данная диссертационная работа выполнено в соответствие с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.** Научные исследования по вопросам сохранения и повышения плодородия почв, посева основных, повторных и промежуточных культур, а также изучения агротехнологий их возделывания в системе севооборота проводятся ведущими научными центрами, исследовательскими учреждениями и высшими учебными заведениями мира. В их числе - Indian Central Institute for Cotton Research (Индия), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Китай), United States Department of Agriculture (США), Brazilian Agricultural Research Corporation (Бразилия), Cotton Research Institute в Мултани и Исламабаде (Пакистан), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Cotton Research Institute CRI (Арабская Республика Египет), Eastern Mediterranean Agricultural Research Institute (Турция), а также Институт селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка (Узбекистан).

В различных системах чередования посевов в качестве повторных и промежуточных культур выращивались бобовые культуры, и за счёт запахивания их органической массы в почву обеспечило экологически чистое выращивание хлопчатника (Indian Central Institute for Cotton Research, Brazilian Agricultural Research Corporation). За счёт запахивания остатков основных, повторных и промежуточных культур в почву удалось улучшить агрофизические, агрохимические и микробиологические свойства почвы, а также снизить нормы внесения минеральных удобрений (Chinese Academy of Agricultural Sciences, United States Department of Agriculture). В условиях глобальных климатических изменений в результате усовершенствования систем ведения короткоротационных севооборотов были разработаны технологии использования кормовых культур (Cotton Research Institute в

Мултане и Исламабаде, Australian Cotton Research Institute). Также разработаны приёмы использования различных многолетних бобовых культур в качестве промежуточных культур (Cotton Research Institute CRI, Восточно-Средиземноморский институт сельскохозяйственных исследований, Турция).

В настоящее время актуальными считаются, научные исследования направленные на совершенствование систем ведения севооборотов путём внедрения новых культур с целью повышения плодородия почвы и урожайности хлопчатника, на разработку методов повышения микробиологической и бактериальной активности почв, а также ресурсосберегающих агротехнологий, обеспечивающих конкурентоспособное качество хлопкового волокна.

**Степень изученности проблемы.** В различных почвенно-климатических условиях нашей Республики проводились научные исследования по повышению плодородия почвы и урожайности сельскохозяйственных культур, в том числе хлопчатника и культур, входящих в хлопковый севооборот. В системах севооборота с основными, повторными и промежуточными культурами, по разработке агротехнологий их возделывания, а также оценке их влияния на плодородие почвы и урожайность хлопчатника, проводились отечественными учёными З.Турсунходжаевым, В.Березовским, А.Болкуновым, Х.Романовым, Р.Тиллаевым, К.Мирзажоновым, Р.Ориповым, Ш.Нурматовым, Н.Уразматовым, Я.Буриевым, М.Тожиевым, Б.Халиковым, Ф.Намозовым, А.Иминовым, Б.Избасаровым, зарубежными учеными С.F. Cordeiro, D.R. Rodrigues, Ch. Kollas, K.Ch. Kersebaum, G. Nachimuthu, G. Schwenke, H. Li, Lu Tan, Wei Liu, Xiaojing Li, J.F. Ponge, Nan Jiang, Li Zha.

Однако, в условиях лугово-серозёмных почв Джизакской области недостаточно проводились научные исследования, по использованию различных многокомпонентных смесей промежуточных культур в короткоротационных севооборотах зерно:хлопок (1:1) и (1:2), после основной и повторной культуры сои, а также по установлению влияния норм минеральных удобрений на плодородие почвы и урожайность хлопчатника.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, в котором выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских планов Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологий выращивания хлопка. Работа проведена в соответствии с темой прикладного проекта №КХ-А-КХ-2018-194 «Влияние короткоротационного севооборота хлопчатника и других сельскохозяйственных культур в хлопковом комплексе на свойства почвы и урожайность культур в условиях сохранения и повышения плодородия почвы» (2018–2020 гг.), а также в рамках научных исследований по теме: «Разработка и совершенствование технологий выращивания зерновых, колосовых и зерно- бобовых культур в основных и

повторных посевах, чередование и ротация сельскохозяйственных культур для сохранения и повышения плодородия почв, агротехнические меры борьбы с вилтом хлопчатника» (2021–2023 гг.).

**Цель исследования.** Определить влияние на урожайность, а также на плодородие почвы, норм минеральных удобрений и использование различных компонентных соединений промежуточных культур посеянных после повторной и основной культуры сои при короткоротационных севооборотах (1:1) зерновые : хлопчатник и (1:2) соя:хлопчатник в условиях лугово-серозёмных почв Джизакской области.

**Задачи исследования** заключаются в следующем:

определить влияние роста, развития, урожайности основных, повторных и промежуточных культур, а также оставляемой ими в почве органической массы (корни, стерня и зелёная масса) на плодородие почвы при короткоротационных схемах севооборота зерновые:хлопчатник (1:1) и соя:хлопчатник (1:2) в условиях лугово-серозёмных почв;

